

**БЕШИКДАН
ТО ҚАБРГАЧА...**

**ЎКИ
КОРРУПЦИЯ
"ПИЛАПОЯ"ЛАРИ**

**УЙ-ЖОЙ МАСАЛАСИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА
ЖИДДИЙ ПУТУР ЕТДИ**



2019 йил 27 июль кун
Адлия вазирлигининг
навбатдаги кенгайтирил-
ган Ҳайъат мажлиси бў-
либ ўтди. Унда Адлия ва-
зири Русланбек Давлетов
бугунги куннинг энг
долзарб масалаларидан
бўлган жойларда уй-жой-
лар бузилиши билан бо-
глик масалаларга алоҳида
эътибор қаратди:

• Мулк дахлсизлигини таъминламай туриб, иқтисодий ри-
вожланишга эришган давлатнинг ўзи йўқ. Бу эса бизнинг
қонунларимизда битилган энг олий нормалардан бири-
дир ва унда барча муносабатлар тўлалигича тартибга
солинган. Лекин амалда ушбу тартиб ва қоидалар мута-
саддиларнинг эсидан чиқиб кетди. Натижада, уй-жой ма-
саласида қонун устуворлигига жиддий путур етди. Бу ни-
ма деган гап? Одамларнинг уйини бузиб, кўчага чиқариб
қўйиб компенсация тўламаслик, ахир, бу ваҳшийлик-ку.
Бу ҳеч қандай қонунчиликка тўғри келмайди, бу ҳеч бир
одамийлик тамойилига ҳам тўғри келмайди, бу Ўзбекис-
тон тан олган халқаро ҳужжатларга ҳам мувофиқ эмас.

КРЕДИТГА ОЛИНГАН УЙНИ СОТСА БЎЛАДИМИ?

— УЙИМНИ кредит
асосида сотиб олганман.
Ҳали кредит суммасини тў-
лиқ тўлаб бўлмадим. Ле-
кин уни сотмоқчиман. Ай-
тинг-чи, Ипотека кредитига
олинган уй-жойни сотиш
мумкинми?

3-саҳифа

ИШ БИТИШИ УЧУН БИТТА ТЕЛЕВИЗОР ВА ЮЗ МИНГ СЎМ

Муайян масалага масъ-
ул шахсларнинг масъули-
ятсизлиги ёки тамағирли-
гига гувоҳ бўлганда ша-
роитга бўйсунуш, индамай
кетавериш ёхуд чидаш ўр-
нига бонг уриш — корруп-
цияга нисбатан мурасасиз-
лиқни англатади...

5-саҳифа

ТАДБИРКОР ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИГА НЕГА МУРОЖААТ КИЛДИ?

ТОШКЕНТ шаҳридаги
"OSIYO MK" МЧЖ раҳба-
ри А.Азизов Ўзбекистон
Республикаси Президен-
ти Виртуал қабулхонасига
муурожаат қилади...


6-саҳифа

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Американинг ўтмишда-
ги улуғ президенти Авра-
ам Линкольн ўглининг му-
аллимига шундай мактуб
йўллаган экан...

8-саҳифа

АДЛИЯ вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон лойиҳаси regulation.gov.uz — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама порталида эълон қилинди. Мазкур лойиҳада нотариат институтини янада такомиллаштириш, бир қанча янгиликлар киритиб, шу орқали фуқароларга қийинчилик туғдириши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш мақсад қилинган.



2019 йил 1 октябрдан яқин қариндошлар (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида автомобилдан ўзаро фойдаланишга рухсат берадиган ишончнома бекор бўлиши мумкин.

Фармон лойиҳаси билан нотариат тизимига боғлиқ қонунчиликда талабга ўзгаришлар юз бериши мумкин ва бу ўзгаришлар алабатта яхши томонларга. Буни муҳокама жараёнида фаол иштирок этаётган фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги "хайрият, сарсонгарчилик йўқ бўлар экан", "ҳалқнинг кўнглидаги фуқаро бўлиб-ди, кўнлаб-қувватлайман" мазмундаги фикрларни билдиришган. Айримлари эса тегишли банд бўйича тақлифларини ёзиб қолдиришган.

Ҳужжатда нотариат институтини рақамлаштирилган моделга ўтказиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини тубдан соддалаштириши тўлиқ йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган. Лойиҳага кўра, нотариат тизимига қўйиладиган энг муҳим ўзгаришлар жорий қилиниши мумкин. Авваламбор, бошқичма-бошқич республикадаги барча нотариал идораларни нодавлат нотариал идоралар шаклида қайта ташкил этиш тақлифи берилган. Бу дегани ҳозирда мавжуд нотариал идоралар нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги муассасага айланади. Бу адлия органларида нодавлат нотариал идораларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, фаолият юритаётган нотариусларга уларнинг аризаларига асосан нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Нотариал палатасини ташкил этиш ҳам ҳужжат лойиҳасида белгиланган. Мазкур палата барча нотариал идоралари нотариусларининг мажбурий аъзолигига асосланади. Палата нотариатнинг ролин мустақамлаш, нотариуслик касби нуфузини ошириш масалаларига эътибор қаратади, нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталанишини ташкил этади. Бир томондан нотариусларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилса, бошқа томондан уларнинг қонунчилик нормаларига, касб этикаси қоидаларига ва касб мажбуриятларига риоя этишдан мониторингни ҳам амалга оширади.

ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР БЕКОР БЎЛАДИ?

Киритилиши мумкин бўлган ўзгаришларга кўра, 2020 йил 1 январдан мол-мулклар билан боғлиқ битимларни нотариал расмийлаштиришда бир қанча талаблар бекор бўлади. Масалан, уй-жойни бошқа шахсга ўтказишда, гаровга қўйишда, ижарага ёки текин фой-

ЯНГИ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ: НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРГА АЙЛАНАДИМИ?

даланишга беришда:

- доимий рўйхатда турувчи мулкдор бўлмаган шахсларнинг розилигини олиш;
 - хусусийлаштирилган уй-жой мулкдори оиласининг биргаликда яшовчи барча вояга етган аъзоларининг ҳамда хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг розилигини олиш;
 - қурилиши тугалланмаган уй-жойларни тасарруф этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рухсатини олиш талаб этилмайдиган бўлади.
- Мол-мулкларни ижарага ёки текин фойдаланишга беришда эса:
- васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган битимлар тузишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатини олиш;
 - гаров нарсадан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланишда гаровга олувчининг розилигини олиш каби талаблар бекор бўлади.

АВТОМОБИЛЬ БОШҚАРИШДА ИШОНЧНОМА КЕРАК БЎЛМАЙДИ

Фармон лойиҳасига кўра, қуйидаги битимларни мажбурий нотариал тасдиқлаш тартибини йўқ қилиниши режалаштирилмоқда:

- 2019 йил 1 октябрдан — транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш уййча суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспорт воситасидан фойдаланиш тўғрисидаги ишончнома;
- 2020 йил 1 январдан — юридик шахсларнинг, хусусан, банк ва бошқа кредит ташкилотларининг корхонани ижарага, текин фойдаланишга бериш, янги кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича лизинг, гаров (ипотека) шартномаларини. Бунда, гаров (ипотека) шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка таъқиқ қўйиш ва ечишни ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланган ҳолда "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил амалга оширади.

Демак, агар ҳужжат расман тасдиқланса, унда автотранспорт воситаларини бошқаришда ишончнома талаб этилмайди, фақат фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисида кўрсатилса бўлган. Бу дегани автобиланги яқин қариндошларининг ишончномасиз бемалол ҳайдаб кетишлари мумкин бўлади. Аммо бу ерда бир савол туғилади: агар ишончнома бўлмаса ИПҲ ходими автомобиль бошқаришда ҳам фуқароларнинг эгасининг яқин қариндоши эканлигини қандай билади, ҳайдовчи бунга қандай исботлайди? Муҳокама порталида ҳам фуқароларнинг айримлари шу масала тушунарси эканлигини баён этишган. Адлия вазирлиги томонидан лойиҳа муҳокамасига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида вазирлик масъул ходимига савол билан юзландик.



Маъсум ҲАТАМОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Бундай ҳолатда автомобиль — ри орасида ўзининг туғилганлик гувоҳномасини, никоҳ гувоҳномасини олиб юриши керак бўлади. Масалан, эр ёки хотин турмуш ўртоғининг автобилани ҳайдаб юрган бўлса, бунда никоҳ гувоҳномаси ИПҲ ходимига кўрсатилади. Агар ака-сингил, опа-ука, ота-бола ёки она-болалар бир-бирининг автотранспорт воситасини бошқариётган бўлса унда тасдиқловчи ҳужжат сифатида улар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини олиб юришлари керак бўлади.

Мазкур лойиҳа нима учун тайёрланди, унинг зарурати нимада эди, шу ҳақда ҳам гапирмоқчиман. Нотариат соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўтган йилги ҳам бўлиб ўтган эди. Яъни, "Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимиз Қарори қабул қилинди. Бу Қарор доирасида нотариат тизимини янада рақамлаштириш, ахборот коммуникация технологияларида унумли фойдаланган ҳолда аҳолини нотариал хизматларга бўлган эҳтиёжини кенгроқ қамраб олишга маълум даражада эришил-

ди. Ҳозирда нотариат соҳасида фуқароларнинг фикри ҳам анча ўзгарган, деб ўйлайман. Ўтган йилги тизим билан бу йилгиса ўртасида катта фарқ бор. Айтилик, тўлиқ электрон тўлов тизимига ўтилганлиги, бунда смс хабарнома жорий этилганлиги, 1 январдан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимларда экстерриториаллик, яъни худуд танламаслиги нормалари киритилганлигини мисол қилиб айтиш мумкин. Булар орқали нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ ишларда фуқароларга енгилликлар яратилди. Аммо шуларга қарамай бир қанча шикоят ва эътирозлар келиб тушаётганига қараганда одамларнинг нотариал идораларга бўлган ишончи ҳали тўла мустаҳкамланмади. Қолаверса, нотариал соҳада ҳали ҳам тўсиқ ва говлар бор. Шу сабаб бу борада кўпроқ ўзгариш ва қулайликлар яратиш биз учун куннинг энг муҳим масаласи бўлиб турибди. Мазкур лойиҳа ҳозирда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда ҳамда халқ орасида муҳокама бўляпти.

ЯНГИ НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР ҚАЙСИЛАР?

Лойиҳада 2020 йил 1 январдан қуйидаги нотариал ҳаракатлар жорий этилиши мумкинлиги белгиланган:

- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлаш (гувоҳларни сўроқ қилиш, ёзма ва ашёвий далилларни қўздан кечириш ва гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш, интернет тармоғидаги далилларни таъминлаш);
- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, шу жумладан мулкӣ ва мерос масалаларида медиатор вазифаларини бажариш;
- яратилган муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектининг тақдим этилган вақтини тасдиқлаш. Бунда тақдим этилган ҳужжатнинг тасдиқланган бир нусхаси нотариал идорада, иккинчи нусхаси муаллифда сақланади ва низо келиб чиққан вақтда муаллифлик ва турдош ҳуқуқ эгасини аниқлашда асос ҳисобланади.

КОММУНАЛ ҚАРЗДОРЛИКДА МАЪЛУМОТНОМА СЎРАЛМАЙДИ

Ҳужжат билан киритилиши қулайлаётган яна бир муҳим ўзгариш

сифатида айтиш керак, кўчмас мулклар бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда коммунал хизматлар учун қарздорликни фақат Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базаси орқали онлайн режимда текшириш тартиби ўрнатилган ҳолда коммунал ташкилотлардан бундай қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш талаби бекор қилинади. Яъни, бу каби битимларда нотариал идоралар сиздан коммунал хизматлардан қарздорлигини бор ёки йўқлиги ҳақида маълумотнома сўрамайди.

Бундан ташқари, битимларни нотариал тасдиқлашни тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идораларда туриб видео-конференцалоқа режимда амалга ошириши ҳам мумкин бўлади. Яъни, бу каби битимларда нотариал идорага қаратилган ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган ҳужжат нусхаларини электрон тармоқ орқали олдиндан жўнатиш йўли билан электрон навбат олиш ва тегишли ҳужжатларни тайёрлаб қўйиш имконини берувчи хизмат жорий қилинади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда камидан 2 тадан ва Тошкент шаҳрида камидан 5 та нотариал идорада нотариал идорага келмасдан туриб эксперимент тариқасида баъзи нотариал ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин. Бунда ижро хатлари, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади. Прописка қўйишга розилик, вояга етмаган фарзандни чет элга қочишга розилик каби аризалар электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда видео конференция орқали расмийлаштирилади. Бу каби масофадан хизмат кўрсатиш орқали расмийлаштирилган ҳужжатнинг асл нусхаси буюртмачига қурьер орқали етказиб берилди.

Ҳозирда ҳужжат лойиҳаси порталида фаол муҳокама қилинапти. Шу кунгача лойиҳага фуқаролар томонидан 60 га яқин тақлиф берилган. Албатта, фармон расман имзоланганда, унда ўринли тақлифлардан фойдаланилган ва бошқа нормалар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Лойиҳа муҳокамаси 4 августта қадар давом этади.

Мадҳия АВАЗОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Давоми. Бошланиши 1-бетда

УЙ-ЖОЙ МАСАЛАСИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЖИДДИЙ ПУТУР ЕТДИ

- Ҳамма шахарлар янгида қурилади, эскиси бузилади, ободонлашади, бу табиий жараён, барча жамиятларга хос бўлган ҳолат. Лекин, XXI асрда яшаётган цивилизация он жамият сифатида барча ҳаракатлар учун ҚОНУН энг асосий мезон бўлиши керак, одамлар ҳуқуқларини поймол қилиш эвазига, қонунни бузиш эвазига ҳеч қандай қурилиш ёки ободонлаштириш бўлиши мумкин эмас.
- Гап фақат моддий бойлик бўлмиш иморатда эмас, уй-жой билан инсонларнинг шу уй билан боғлиқ хотиралари ҳам ўчирилади. Туғилиб ўсган жой, ёшликда ўйнаб-қулиб юрган ҳовли, болаликдаги хотиралар, керак бўлса ҳар бир хонадоннинг ҳиди инсон учун қадрли, кўп уйлар авлоддан авлодга ўтиб келаяпти, бу юксак шахсий номоддий бойлик ва инсон ҳаётидаги ажралмас хотиралардир.
- Шунинг учун биз — адлия ходимларининг биринчи даражадаги вазифаси бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олишдир. Барча маҳаллий ҳокимликларни фуқароларнинг уй-жой билан боғлиқ қонуний ҳуқуқларини поймол этишларига чек қўйишларини талаб қиламиз!
- Бутун адлия тизими раҳбарлари, мутасаддилари ва ходимларини ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, уй-жойлар бузилиши жараёнида Ўзбекистон қонунларига амал қилиш юзасидан чоралар кўришларига қақираман.

Адлия вазирининг уй-жойларни бузиш билан боғлиқ мазкур долзарб масалага тўхталиши бежизга эмас.

Аслида қонунчиликка мувофиқ, ер участкаларини олиб қўйиш компенсациянинг қуйидаги турлари берилиши шарт билан амалга оширилиши керак:

- Фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод турар-жойни мулк қилиб бериш ва дов-дарахтлар қийматини тўлаш;
- Бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қийматини фуқароларга тўлаш, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш;
- ер участкасини ўзлаштириш даврида 2 йилга муддатга ижарага вақтинча уй-жой бериб, бузилаётган уйлар, иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қийматини тўлиқ тўланган ҳақда етказилган бошқа зарарларни қоплаган ҳолда, фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш;
- ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида юридик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк бериш ёки кўчмас мулкнинг бозор қийматини ва етказилган зарарларни қоплаш;
- ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарларни тўлалигича қоплаш;
- фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бузилиши керак бўлган уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш, шунингдек, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарларни қоплаш;
- янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларни фуқаролар ва юридик шахсларга мулк қилиб бериш, шунингдек, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарларни қоплаш.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Адлия вазири Русланбек Давлетов бошчилигида бўлиб ўтган мажлис адлия органлари ва муассасалари томонидан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида 2019 йилнинг I ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар, давлатимиз раҳбари томонидан адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган қатор Фармон ва қарорларнинг ҳисобот давридаги ижроси, вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалда таъминланаётганлиги даражасини ўрганишга қаратилди.

Мажлис давомида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда соҳа фаолиятида йўл қўйлаётган бир қанча хато ва камчиликлар, муаммолар масалалар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз борди.

Адлия органларининг халқ билан мулоқотга киришишида айрим ходимларнинг лоқайдлиги, адлия бўлимларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти устидан тизимли назорат ўрнатилмаганлиги, ҳудудларга бириктирилган масъуллабларнинг бепарволиги оқибатида юзага келаётган ҳолатлар кайд этилди. Янгийўл, Бўстонлик, Шахрихон туман адлия бўлимлари ҳамда Навоий, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари раҳбарлари бу каби масалаларга эътиборни кучайтириши кераклиги айтиб ўтилди.

Адлия органларига Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сон қарори билан бир марталик акция доирасида ўзбошимчилик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш чораларини амалга ошириш юклатилган эди. Ҳайъат мажлисида айтилишича, бу борада туман (шаҳар) адлия бўлимлари фаолиятида Когон туманида 3 646 та, Ғиждувонда 1 822 та, Бухоро туманида 1 228 та, Ромитанда 1 225

та, Жарқўрғонда 1 888 та, Шўрчида 1 108 та ҳамда Қарши шаҳрида 1 176 та ҳолатда йғим тўланган бўлса-да, туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари ўз муддатида қабул қилинмаган. Мазкур ҳолатлар юзасидан туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан тегишли чоралар кўрилмасдан келинаётганлиги танқид қилинди.

НОТАРИУСЛАР ФАОЛИЯТИ ТАНҚИД ОСТИГА ОЛИНДИ

Шунингдек, мажлисда вазирликнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш соҳасидаги фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланишича, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлимида мурожаатлар билан ишлаш талаб даражасида эмас.

Адлия тизимида коррупцияга қарши кескин кураш бошланган, шу сабабли коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизимли равишда чоралар кўриб келинапти. Тадбирда қайд этилишича, нотариал идораларда ишлаётган айрим ходимлар бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармапти.

Масалан, 1 июндан "SMS хабар" электрон тизими жорий этилган эди. Жорий йилнинг 6-17 июнь кунлари тизимга киритилган телефон рақамлари таҳлил қилинган. Таҳлилда 2 243 та (3%) нотариал ҳаракатларнинг амалга оширишда ходимлар ёки "ўрта-кашлар"нинг телефон рақамлари киритилганлиги аниқланган.

Ушбу талабларни бузгани учун 3 нафар нотариус, 3 нафар котиб ва 1 нафар стажёр ишдан ҳайдалган, 13 нафар нотариус, 5 нафар котиб ва 1 нафар стажёрга нисбатан "жарима", 32 нафар нотариус, 4 нафар котиб ва 2 нафар ёрдамчига нисбатан "ҳайфос" интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Ўз мухбиримиз

КРЕДИТГА ОЛИНГАН УЙНИ СОТСА БЎЛАДИМИ?



— УЙИМНИ кредит асосида сотиб олганман. Ҳали кредит суммасини тўлиқ тўлаб бўлмадим. Лекин уни сотмоқчиман. Айтинг-чи, Ипотека кредитига олинган уй-жойни сотиш мумкинми?

Зайниддин Холиқов,
Тошкент вилояти

"Гаров тўғрисида"ги Қонун ва "Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ расмийлаштирилган ипотека шартномасига уй-жойни ўзини гаров сифатида қўйилганлиги сабабли, қарз шартномасини тўлагандан кейин ёки банк ва миқознинг ўзаро келишуви асосида, яъни банкнинг розилиги билан бошқа шахсга сотиш мумкин.

БОШҚА ҲУДУДГА КЎЧГАН ФУҚАРОГА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ



— ДОИМИЙ яшаш мақсадида бир манзилдан иккинчи манзилга кўчиб келган фуқаронинг пенсияси қандай тартибда янги манзилга кўчирилади?

Севара Ортиқова,
Бухоро вилояти

Ушбу ҳолатда пенсияни тўлаш пенсия ҳужжатлар йиғмажилди олингандан кейин пенсия олувчининг янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан давом эттирилади. Бунда пенсияни тўлаш олдинги яшаш жойи бўйича пенсияни тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб, лекин унинг томонидан ҳисобга қўйиш мақсадида мурожаат этилгандан олдинги ўн икки ойдан ошмаган давр учун давом эттирилади.

МАЛАКА ОШИРИШ ДАВРИ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНДИМИ?



— СПОРТ мактабида услубчи бўлиб ишлайман, малака оширишга Тошкент шаҳрига 1 ойга бориб келдим, ҳаракатларим мактабимиз томонидан компенсация асосида тўланадими?

Зоҳид Қодиров,
Андижон вилояти

Малака ошириш курслари тингловчилари учун ўқишнинг барча даврида уларнинг асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади, уларнинг ўқув юктамаси эса бошқа аъзолар ўртасида тақсимланади.

Ишдан ажралган ҳолда ҳудудий марказларга малака оширишга бошқа ҳудудлардан юборилган тингловчилар учун ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи ҳаракатлари қопланади.

ЁШ БОЛАЛИ АЁЛ ТУНГИ НАВБАТЧИЛИКДА ТУРАДИМИ?



— ТУРМУШ ўртоғим туғруқхонада ишлайди, олий маълумотли. 3 ёшга тўлмаган фарзандимиз бор. Шундай бўлишига қарамастан тунги наватчиликда ишлаб келмоқда. Қонун бўйича бу тўғрими? Турмуш ўртоғимга қандай имтиёзлар бор?

Сардор Жумаев,
Хазорасп тумани

Қонунчиликка кўра ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Бундан ташқари Сизнинг турмуш ўртоғингизга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддат белгиланади ва турмуш ўртоғингиз билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАБОВЕВ жавоб берди.



— Фуқаролик кодекси, "Ипотека тўғрисида"ги қонунга ҳамда "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага мувофиқ, банкнинг имтиёзли кредитига олинган намунали уй-жойни кредит қарздорлигини сўндирмасдан бошқа шахсга фақат банкнинг розилиги билан сотиш мумкин.



— Нафақадаги шахс Ўзбекистон ҳудудидо доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчган тақдирда пенсия ҳужжатлар йиғмажилди почта орқали унинг янги яшаш жойи бўйича жойлашган Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади ёки нафақахўрнинг қўлига берилади.



— Малака ошириш курслари тингловчилари учун ўқишнинг барча даврида уларнинг асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади, уларнинг ўқув юктамаси эса бошқа аъзолар ўртасида тақсимланади.



— Қонунчиликка кўра ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Бундан ташқари Сизнинг турмуш ўртоғингизга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддат белгиланади ва турмуш ўртоғингиз билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

ЯНА коррупция ҳақида. Чунки коррупция ҳаёти-мизни сувдек, ҳаводек, нондек эгаллаб олди. Унга қарши курашиш ҳақида қанча кўп гапирилса, унинг шохлари шунчалик кўп ўсаётганлигидан ташвишдамиз.



!
Улуғларимизнинг “Бешиқдан то қабргача илм изла”, деган ҳикматли сўзларининг ўрнини ҳам бугун “Бешиқдан то қабргача пора...”, деган истеҳзолар, иборалар эгаллаб олгандек.

БЕШИҚДАН ТО ҚАБРГАЧА... ёки коррупция “пиллапоя”лари

Тўғри, мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин кураш давом этмоқда, ҳатто бу кураш ўн чандон кучайтирилди ҳам. Аммо нимагадир ундан қутулиш ўрнига баттар унга қулдек эргашиб кетаямиз. Порахўрликни, давлат миқёсидаги катта-катта порахўрликларни фош этаямиз. Аммо ҳар гал порахўрлик, ўғирлик, таъмағирликларни сўғуриб олсак-да, унинг илдизини унутиб қолдираямиз. Бу илдизлардан янги новдалар пайдо бўлмоқда...

Бу ниҳоллар **БЕШИҚДАН БОШЛАНАДИ.**

Оддийгина мисол. Туғуруқхонада янги чақалоқ туғилди. У инга-ингалаб йиғлаяпти. Доялар ҳаяжонланиб, “Суюнчи беринг! Суюнчи беринг!”, деб югургани югурган. Оталар хижолат бўлиб, “Ҳозир, ҳозир, мана суюнчи, ана суюнчи!”, дея чўнтак қовлайди. Янги чақалоқ коррупциянинг бир япроғига сабабчи бўлганлигини қаердан билсин. Бундан ҳам баттарроғи, яъни бу даргоҳда коррупциянинг хавфи ўчоқлари ҳам бор — гоҳида митти чақалоқларга оқ сут беришдан бош торган тошмехр, ношукур оналар, мурғак гўдакларни сотишдан кўрқмайдиган оқ халатли айёрлар ҳақида қулоқ эшитади.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА... ЮЛҒИЧЛИК

Болакай тетапоя қилиб, юриш-ни, тили чиқиб гапиришни ўрганади. У энди болалар боғчасига

қатнапти, ташқи оламнинг ичига кираяпти.

Болакай жуда билагон, ҳамма нарсани билишни истади. “Коррупция нима, боғча опа?”, деб сўрайди у боғча оласидан, телевизорлар орқали тез-тез тилга олинаётган бу сўзни тушунмаса ҳам. Тарбиячи жавоб беради: “Ойинг туғилган кунимга совға олиб келсин, ана шундан кейин тушунтираман”. Болакайнинг хотираси зўр. У бу гапни ойисига етказди. Совға пора эканлигини билмайдиган болакай поранинг новдасига айланади, улғаяди.

Мактабгача таълим муассасалари ҳақида кейинги вақтларда жуда ёмон салбий мулоҳазалар кўпайиб кетди. Бундан тўрт-беш йил олдин суд қарорлари асосида Навоий шаҳридаги боғча мудирларининг болаларга муддати ўтиб кетган, ҳатто қуртлаган озиқ-овқатларни берганлиги тўғрисида бир неча бор мақола ҳам ёзишга тўғри келган. Ушанда болаларнинг ҳақиқа хибнат қилиб, судланган “боғча ола-лар”нинг аксарияти орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан бошқа бир болалар боғчасига мудирликка тайинланганлигини эшитиб, ҳайрон қолгандим. Уларнинг кирди-корлари шу тарзда ёпилиб, улар яна бошқа болалар боғчаларида ўрганган одатларини давом эттиришига мутасадди раҳбарлар бекорга “қуниқиб” қолмаганини тасаввур қилиш қийин эмасди.

Мактабгача таълим муассасаларидаги аҳволни ҳозир ҳам жуда рисоладагидек, деб бўл-

майди. Чунки “боғча опа”лар болакайга аталган озиқ-овқатни ўғирлаётган чоғида тез-тез қўлга тушиб, шармандаи-шармисор бўлиб юрганлигини кўпчилик яхши билади.

ЖОНАЖОН МАКТАБЛАРДА... КОРРУПЦИЯ

Тарбия йўлларининг узун тўғроқлари ҳаммамизни мактабга олиб боради. Биз 1966-1976 йилларда ўрта мактабда ўқиганмиз. Бирорта ўқитувчимизни табрикларимиз у ёқда турсин, ҳатто уларнинг туғилган кунларини ҳам билмасдик. Улар шунга йўл бермаган. Синфдан-синфга кўчиш ёки битириш имтиҳонларига ҳам ҳозиргидек шохона дастурхонлар эмас, мактабимиз ҳовлисидаги катта боғда пишган ўрик ва олчалар имтиҳон столига қўйиларди. Уни ҳам ўқитувчиларимиз эмас, имтиҳон тугагандан сўнг ўзимиз ердик. Мактабимиз ҳовлисидаги гуллардан бир даста узиб, шиша идишга солиб муаллимларимизга эҳтиромимизни билдирганмиз.

Ўқитувчимизга энг катта совғамиз табриқнома ёки бўлмаса бир дона китоб бўлган. Устозларимиз ҳеч қандай тамаларсиз бизга сабоқ берган, ҳеч қачон қўлимизга қарамаган, бизни ўз боласидек ардоқлаган.

Эсимда, анча йиллар аввал шаҳар мактабларидаги Алифбе байрамлари, битириш кечалари-

даги дабдабалар ҳақида мақола ёзиб, ота-оналар катта-катта пул йиғиб, бир тўйчалик зиёфатлар уюштиргани етмаганидек, боласига таълим берган ўқитувчининг бўйинига тилла занжир таққанларини танқид қилганимда баъзи муаллимлар мендан ранжиган эди.

Кейинги “ўзғаришлар”га ишга киришини “баҳо”лари охиб кетганини, ҳатто озгина 3-4 соатгина қўшимча дарс қўшиб олиш учун қилинаётган каттагина “буромад”лар, туғилган кунлари байрамларда устозларга “замонавий” иззат-икромларни эшитсангиз, тарбиячининг тарбиялангани шуми, дейишингиз аниқ.

Ишчи-ходимларга ёзилган муқофотларга фақат имзо чекиб, “комиссия келганда ишлатиладиган жамғарма” тузиб олиш фақат мактабда эмас, балки ҳар жойда борлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ “ОЛИЙ ҲИЙИ”ЛАРИ...

Агар коррупция бўлмаганида, ўтган йиллар давомида қанча-қанча иқтидорли ёшларнинг ўз кучи билан олган баллари, исмини тўғри ёза олмайдиган лалашан эркатойларнинг сотиб олинган баллари соясида қолиб кетмасди. Ҳар йили жон куйдириб, тайёргарлик қилганига қарамасдан билимли йигит-қизларнинг ўқишга кира олмасдан, умидлари пучга чиқиб ортага қайтмасди, руҳи синмасди. Ҳайриятки, олий таълимдаги

“олий ҲИЙИ”ларга Президентимизнинг қатъий тўсиқлари чек қўймоқда... Аммо ҳали ҳам пора талвасида ўзини оловга ураётган “парвона”лар кўп.

Коррупциянинг кўзга кўринмас асоратлари, бутун умрни мажруҳ қиладиган жароҳатлари бор. Дипломи бору билими йўқ жароҳга ҳаётингизни топшириш қанчалик дахшатли? Савиясиз тарбиячидан “билим” олиб, қаергача ҳам бора оласиз? Саводсиз архитектор қурган иморатларда хотир-жам яшай оласизми? Худди шундай у ҳайдовчимни, йўл, кўприк қурувчимни, ошпазми, ким бўлишидан қатъи назар у қувсиз бўлса, жамият учун ҳам, инсон учун ҳам жуда хавфли, ҳам қони зарар.

Ўқийшга киришдаги кирдикорларга чек қўйилиб, таълимда тартиб ўрнатиш ўрнига оралиқ синовлар, диплом ишлари учун бўлаётган бугунги “савдо”лар ҳақида матбуотда, ижтимоий тармоқларда ҳамон муҳокамалар авжида. Очқўзликнинг оғир оқибатлари ўрганган кўнгли ўртанса қўймаётган айрим кимсаларни ўйлантирмапти. Олғирликнинг оғир тошлари бошларини ёрган бўлса ҳам айримлар коррупция гирдобидан чиқиб кетолмаяпти.

Қийинчиликларни енгиш, кўпроқ ишлаб маблағ топиш учун Ватандан ташқарига азовлар билан соғлигини йўқотиб, оғир ишларни бажараётган ватандошларимизнинг сарсон-саргардонлигида, юрт учун фидойи жонқурларнинг муносиб турмуш шароитларига эга бўла олмаётганлигида, иқтидорлилар қолиб, кўрсаводларнинг амал қурчиларини эгаллаётганлигида ўша муҳажир экинот қуроли бўлган коррупциянинг касри бор, ҳиссаси бор.

Вақти-соати келиб, Яратганинг омонатини топширар бўлсангиз, сўнги манзилга ҳам ози-ни пора қузатиб қўяди. Энг оҳорли, энг яхши кўрган кийимларингиздан покловчига бераётган жигарларингиз фарёд қилади. Гўрқовга пул тўланмаса, ҳатто қабрга ҳам ётолмайси... Бешиқдан то қабргача пора... деган “ақида”нинг ана шундай “тамойил”лари бор.

Агар “Ватан” сўзи биз учун фақат шунчаки сўз бўлмаганида эди, агар биз шу Ватанини, шу мушфиқ, меҳнаткаш халқни ўзимизни, лоақал ўз мансабимиз ва манфаатларимизни севганчалик сева олганимизда эди, биз бугун қанчадан-қанча хунук иллатлар қаршисида тиз чўкмаган, коррупцияга қул бўлмаган бўлардик...

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

“ХАВФСИЗ ПОЙТАХТ”да нималар назарда тутилган

Ўтган давр мобайнида пойтахтда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, ҳуқуқ-тартиботни, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, хизмат ўташни ташкил этиш амалиётини ўрганиш сўтанинг кечки ва тунги вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мавжуд куч ва воситаларини тақсимлашнинг етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатди. Шу сабабдан бу пойтахтда криминоген вазиятга тезкор таъсир кўрсатиш, уни назорат қилиш ва баҳо бериш ишончини бермапти. Мавжуд вақтда ҳуқуқбузарликлар умумий сонининг ортиб бориши, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилаётганлиги ҳам бундан далолат бермоқда.

Шуларни инобатга олиб, Президентимизнинг 2018 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишининг устувор йўналишлари сифатида бир қанча вазифалар белгиланган.

Ҳужжатга қўра, қайта ташкил этиладиган ички ишлар бўлимлари зиммасига секторлар худудларида жамоат тартиби сақлиниши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилган.

Ички ишлар бўлимлари раҳбарлари — бириктирилган худуд доирасида ички ишлар бўлими зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича мустақил қарорлар қабул

қилиш, қўл остидагилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, бириктирилган патруль-пост хизмати нарядларининг кўндалик дислокациясини белгилаш, бириктирилган худуддаги тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳамда фавуқлодда вазиятлар юзага келганда ички ишлар бўлими куч ва воситаларини жойлаштиришни амалга оширишдан иборат.

Жумладан, қарорда пойтахтда жамоат тартибини сақлаш ишларини, ҳуқуқбузарлик профилактикасини янги поғонага кўтариш, жиноятчиликка қарши курашни фаоллаштириш, асосийси, ушбу фаолиятга барча давлат, жамоат органларининг ўзаро ҳамкорлигининг амалий механизминини жорий этишга ургу берилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида “Хавфсиз пойтахт” концепцияси жорий этиш борасида Президентимизнинг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан ушбу жиҳатлар назарда тутилган.

Қарорга қўра, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вило-

ятлар ички ишлар бошқармалари бошқиларининг ўринбосарлари лавозимлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва виллоятлар ички ишлар бошқармалари бошқиларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарлари лавозимларига ўзгартирилди.

Бундан ташқари, Тошкент ИИББ бошлиги ҳар ойда Президентга пойтахтда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисобот тақдим этади.

Шу билан бирга, бошқарма бошқилари ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари эса ҳар ойда Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳисобот берадилар. Депутатлар томонидан бошқиларга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан қўриб аёлган чора-тадбирлар танқидий руҳда муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади. Шунингдек, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади.

Бегод УМИРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Олмас туман суди судьяси



ФАКТ

Аниқланишича, Умиджоннинг дастлабки фирибгарлиги 2015 йил сентябрь ойида юз берган. Хусусан, у Абдуллажон Бозорбоевга туманининг Сойбўйи маҳалласи ҳудудидаги 242-сонли дала контуридан 8 сотих ер майдонини олиб беришини айтади.

ФАРГОНА туманидаги 14-умумтаълим мактаби директори Умиджон Мамаризаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ён-атрофдагиларга ўрناق бўлиш ўрнига фирибгарликка қўл урди. Энг ачинарлиси, директорнинг қилмишлари бир-икки ой ёки бир йил эмас, салкам уч йил давом этди.

Директорнинг уч йиллик қилмиши

Аниқланишича, Умиджоннинг дастлабки фирибгарлиги 2015 йил сентябрь ойида юз берган. Хусусан, у фуқаро Абдуллажон Бозорбоевга туманининг Сойбўйи маҳалласи ҳудудидаги 242-сонли дала контуридан 8 сотих ер майдони олиб беришини айтади.

Тез кунларда ҳокимиятда ким ошди савдоси ўтказилади. Шунда сизга ёрдам берман. Фақат олдиндан икки минг доллар беришингиз керак.

Шунга қўра, Абдуллажон ака бор-будини йиғиштириб, 2000 АҚШ долларини У.Мамаризаевнинг қўлига тутқади. Кимосиди савдоси бўлиб ўтган кун эса Умиджон А.Бозорбоевга суюнчлайди.

Ўғлингиз иккалангиз тўрт

сотихдан саккиз сотих ерни ютиб олдинглар. Ҳоким қарори чиққач, ўзим сизларга етказаман, дея ишонтиради.

Шу тариха У.Мамаризаев турли баҳоналарни рўқач қилиб, салкам 2 йилни ўтказиб юборди. Кейин эса туман ҳокимининг 2017 йил 23 сентябрдаги қарори ва иловасини Абдуллажон акага тақдим этади. Бирок қарор иловасида А.Бозорбоевнинг ҳам, ўғлининг ҳам исм-шарифи қайд этилмаганди. Шундагина жабранувчи алданганини англаб етди.

Орадан 6 ой ўтгач, мактаб директори фуқаро Шерали Қаҳқоровни сал бошқароқ тарзда алдайди. Аввалига у Шерали ака ва рафикаси Мукаррам онага 242-контурдан 8 сотих ерни кўрсатади.

“Мана шу ерни ким ошди савдоси орқали сизларга олиб берман”, деб оғиз кўпиртиради. “Лекин олдиндан “ҳаражати”ни бермасангиз бўлмайти”.

У шундай дея таниши Юрсунали воситачилигида Ш.Қаҳқоровдан 2000 АҚШ долларини олади. Аммо 2016 йил 25 март кунги туман ҳокимлигида бўлиб ўтган ким ошди савдосида Шерали ака 8 сотих эмас, 4 сотих ернинг эгасига айланади. Натигада Ш.Қаҳқоров қолган 4 сотихнинг тақдирини сўраб, унга мурожаат қилади. Устаси фаранг фирибгар эса бу сўровга ҳам тезкорлик билан жавоб беради.

— Сиз ташвиш қилманг, яна тўрт сотихга қарор чиқартириб берман.

Бирок айни ваъда ваъдалигича қолиб кетади. Қолаверса, Умиджон 2018 йил апрель ойига қадар шундай “усул”да яна 9 нафар кишини, жами 11 нафар ҳамқишлоқларини ўзининг фириб тўрига “илинтиради”. Уларни ишонтириш учун ҳам туман ҳокимининг 2017 йил 23 сентябрдаги сохталаштирилган 1603-сонли қарори ва иловасидан фойдаланади. Бу билан у жабранувчиларга 120.819.627 сўм миқдорда моддий зарар етказди. Энг муҳими, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга қилган мурожаати асосида У.Мамаризаевга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Оқибатда у суд томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топilib, қонуний жазога маҳкум этилди. Шунингдек, айрим жабранувчиларнинг 44.418.627 сўм зарардан иштиёрий вос кечганлиги инобатта олиниб, судланувчи томонидан тергов жараёнида банкка тақдим қилинган 76.400.500 сўм пуллар қолган жабранувчиларга мутаносиб равишда ундириб берилди.

Энди бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Ўз номи билан айтганда, мактаб бу — таълим-тарбия муассасасидир. Яъни унда эртанги ёруғ келажакимиз эгалари бўлиш ёшларга, фарзандларимизга илм-фан сир-асрорлари билан қандай ҳаётий ўғитлар берилади. Лекин ана шундай даргоҳ раҳбарининг ўзи тарбияга муҳтож бўлса, нафс домига тушиб, оғир жиноятга қўл уриб турса, у қўл остидаги устоз-мураббийларга ибрат бўла оладими? Ёки муассасадаги таълим-тарбия ишлари қоникарли амалга ошириладими?

Фаррух АБДУРАИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Фарғона туман суди раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ЖИНОЙ ТУС ОЛГАН ФАОЛИЯТ

ҲАР қандан ишнинг қонуний ва ҳалол бажарилишига тўсик бўладиган муаммолар бисёр. Бундай муаммоларнинг мавжудлиги жамият учун қуруқ зарар келтиради. Тартибли ва режали иш бир томондан қонуний ривожланса, иккинчи томондан эгри йўлларга кириб қолишдан иҳоталайди. Собир ҳам айни шундай муаммоларга дучор бўлгани ёки безъитборлиги пеш келдики, ишқилиб, йўлининг эгри кетганини билиб қолди...

Собир (исм-шарифлар ўзгартирилган) аввалбошда фирманинг бундайроқ лавозимида ишлаб келарди. Нима бўлди-ю фирманинг номиям ўзгариб, раҳбарликка тайин этилди. Ҳаммаси шундан бошланди. Янги раҳбар фирма ва бухгалтерия ҳисоботларини билиб-билмасдан “қўл учиди” юрота бошлади. Хусусан, ўзининг қўл остидаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирма махсулотлари билан олди-сотди ишларини назорат кассаларида (терминал) эмас, нақд пул шаклида амалга ошира бошлади. Натигада 262.754.600 сўмлик нақд пул маблағларини йиғиб, жорий сумманинг жуда катта қисмини бухгалтерия ҳисоботида киритмасдан, қўл миқдордаги солиқ маблағларини тўламаган. Шаҳар бедарвоза эмас. Собир ва унинг фирмасида текширув ўтказилди.

Текширувчилар ҳужжатларини кўздан кечирдилар. Аён бўлдики, фирма олди-сотди ишлари нақд пулда бажарилиб, назорат кассалари қўлланилмаган. Бунинг натижасида эса Собир тушумининг каттагина қисмини солиқ ҳисоботларига киритмасдан ўтган. Қолаверса, фирмасига тегишли бўлган ер майдонининг бир қисми ҳокимлик тасарруфида эканлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам кўрсатмаган. Натигада унинг тўланмаган солиқ суммаси ошиб кетган.

— Қолган маблағларини фирма ишчиларига ойлик-маош сифатида тарқатдим.

Собирнинг айтгани шу бўлди. Тўғри-дир, нотўғри-дир, лекин иш жиноий тус олди. Ҳукм чиқарилиб, “раҳбар” та бир йиллик ахлоқ тузатиш жазоси тайин этилди.

Ислом ИБДУЛЛА,
“Инсон ва қонун” мухбири

Фойда яхши-ю АММО У НОҚОНУНИЙ Бўлсачи?

ОДАМ боласининг манфаатга нисбатан сўяги енгил бўларкан. Фойда яхши-ку, аммо ноқонуний ишларнинг ортидан келгани ёмон. Албатта, қанчалик айёр бўлмасин кун келиб ҳар қандай ноқонуний ҳаракатнинг таги кўриниб қолади. Автомобиль транспорти агентлиги ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ходимларининг қўшма тадбирида шундай қонунбузарлардан бири аниқланди. Муғомбир “такси” фош этилди...

— Бизга уловнинг ҳужжатларини кўрсатсангиз.

Қосимнинг таъби хира бўлди. Бундай бўлишини кутмаганди.

— Бизга мазкур фаолият билан қонуний шугулланаётганлигингизни тасдиқловчи ҳужжатларингизни текшириб кўрсак...

Қосим гапни элтди. Бўлмади, гапни йўқотиб ҳақиқатга кўчди.

— Ҳужжатларим йўқ эди...

Суд мажлисида Қосим айбини тан олди. Ўзига енгилроқ жазо тайинлашини сўради. Сўраганича бўлиб, енгилроқ жазо тайинланди. Йўловчи ташвиш билан ноқонуний шугулланиб келганлиги учун мўмайгина жарима жазосини тўлайдиган бўлди.

Ориф ПАРДАЕВ,
Самарқанд шаҳар маъмурий суди раиси

ҲУҚУҚИЙ маданиятни юксалтириш узликсиз ва самарали тарғибот йўли билан аҳолини қонун ҳужжатларидан хабардор қилиб бориш, уларда қонунга ҳурмат руҳини тарбиялаш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англайтиш орқали амалга ошириладиган жараёндир. Бундай жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муҳитни қандай шакллантириш мумкин?

Муайян масалага масъул шахсларнинг масъулиятсизлиги ёки тамағирлиги га гувоҳ бўлганда шароитга бўйсунмиш, индамай кетавериш ёхуд чидаш ўрнига бонг уриш — коррупцияга нисбатан муросасизликни англайди. Шундай муҳитда мудраётган мансабдор уйғонади, зиммасидаги масъулиятни ҳис қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқлари кафолатланган. Қонунга қўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик фактларига доир мурожаатлари тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

Иш битиши учун БИТТА ТЕЛЕВИЗОР ВА ЮЗ МИНГ СЎМ

Бунга 2019 йил май ойида жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди очик сайёр суд мажлисида қўрилган бир иш нисолида таҳлил қилиш мумкин.

Муқаддас Юнусова (исм-шарифлар ўзгартирилган) бевакт ҳаётдан кўз юмган қизининг фарзандини ўз тарбиясига олган эди. Норасида уч ёшга тўлгач, уни боғчага жойлаштириш, ўзи эса ишига қайтишни максад қилган М.Юнусова Давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилади. Йўлланма олиш учун тегишли МТМ мудираси Ҳақима Бадриддиновага учрашганда эса барча ислохотлар бир томон мудиранинг нафси бир томон эканига гувоҳ бўлади.

Мудирага ўзининг шароитини тушунтирган М.Юнусова аввалига “жой йўқ” деган жавобни эшитади. Кейин эса мудира унга “битта 32 диагонали плоский экран телевизор ва юз миң сўм берсангиз, ишингизни хал қилиб берман”, дейди.

Албатта, у мудира таъмағирлик йўли билан сўраган телевизор ва пулни бериши, шу тариха муаммосини тез ва осонгина хал қилиши мумкин эди. Ва бу билан коррупция ва порахўрликка мурося қилган, жамиятда бу иллатнинг урчишига билиб-билмай “ҳисса қўш-

ган” бўлар эди. Лекин М.Юнусова бундай йўл тутмади: коррупцияга нисбатан муросасиз туриб, мудиранинг ноқонуний талаб қўяётганини англаб, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига ариза билан мурожаат қилади.

Таълим-тарбиянинг асосий ўзаги, таъбир жонз бўлса, бошлангич нуктаси, ҳеч шубҳасиз, мактабгача таълим тизимидир. Унинг сифати мамлакат эртасини белгилувчи омилларнинг бири. Ана шундай даргоҳдан порахўрлик, таъмағирлик, бир сўз билан айтганда, коррупциянинг авж олишига асло мурося қилиб бўлмайди.

Таъмағир МТМ мудираси Ҳ.Бадриддинова М.Юнусовадан 100 миң сўм нақд пул ва бир дона телевизорни ўз хизмат хонасида пора сифатида олаётган вақтда Бош прокуратура хузуридаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бўстонлик туман бўлими ҳамда туман прокуратураси ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинади. Суд ҳукми билан Ҳ.Бадриддинова қонуний жазосини олди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бўстонлик туман суди раиси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТОҚАТСИЗЛИК КОРРУПЦИЯНИ ЕНГАДИ

БИЛАМИЗКИ, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиши, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштиради ва бунинг пировардида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари поймол бўлади. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида коррупцияга "шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни "қонунга хилоф равишда тақдим этиш", деб таъриф берилган. Жиноят кодексининг 210, 211, 212-моддаларида коррупция учун жавобгарлик белгиланган.



"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органлар сафига Адлия вазирлиги ҳам киритилган. Сўнги икки йилда адлия тизимида коррупцияга қарши кураш жиддий тус олди. Хусусан, нотариат соҳасида авж олган коррупцияни бартараф этиш учун сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Нотариусларнинг қонуний даромади олиш имконияти оширилган, мунтазам равишда "сирли миҳоз" тадбирлари ўтказиб келинади, тўловларни электрон тарзда амалга ошириш тизими ишга туширилди, хизмат нархларини смс орқали тасдиқлаш йўлга қўйилди, нотариал идораларга камералар ўрнатилди. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан тизимдаги очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида яна бир лойиҳага қўл урилди. Вазирлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка муҳим ахборотлар бериш, уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган "Очиқ адлия" ("Open Justice") ижтимоий дастури тасдиқланди. Шу мақсадда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг вакилларига адлия органлари билан аудио-видео ёзиш мусалалари-

дан фойдаланишга рухсат берилади. Нотариал идоралар ва давлат хизматлари марказлари ходимларининг ўз вазифаларини бажаришда йўл қўётган камчиликлари устидан интернет орқали тезкор шикоят йўллаш тизими яратилди, бунда ходимнинг айби аниқланган ҳолатлар кенг ёритиб борилмоқда. Ўз вазифасини лозим даражада бажара олмаётган ходимлар рейтинг шакллантирилиб, уларнинг малакасини ошириш бўйича ишлар олиб борилади. Бу лойиҳани амалга ошириш жараёнида жамоатчиликнинг иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги жараёнларда фуқаронинг қатъий позицияси ва ўз вақтида тегишли ташкилотга хабар бергани туфайли коррупция ҳолати фош этилади ва айбдорлар жазоланади.

Коррупцияга қарши курашда фуқаролар давлат органлари билан ҳамкорлик қилиши муҳим. Фуқароларнинг ушбу иллатга нисбатан бегоналик ва муросасизлиги коррупцияни енгитишда юқори натижаларга олиб келади.

Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,
Сурхондарё вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи
биринчи ўринбосари

98 ТА ТАҚДИМНОМА

ёхуд 49 миллион сўм кимларнинг иш ҳақи эди?

2019 йил 3 апрелда Президентимизнинг "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда Молия вазирлигининг фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ойлик иш ҳақи фондидан жорий йилда босқичма-босқич 1,5 бараварга ошириш, дастлабки босқич сифатида ушбу ходимларнинг ойлик иш ҳақи жорий йил 1 майдан 1,25 бараварга оширилиши белгиланган.

Бироқ ўтказилган таҳлиллар ва сайёр қабул жараёнидаги мунозаралар натижасида Чилонзор туманида ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ойлик иш ҳақи Фармонда кўрсатилган миқдорда жорий йил май ва июнь ойлари учун қайта ҳисоб-китоб қилиб берилмаганлиги маълум бўлди.

Бу эса ходим ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 153-моддасига кўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди, деб кўрсатилган бўлса-да, ҳозирги кунда маҳалла тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг (маҳалла раиси ва котиб) иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиб қолган ва ўртадаги фарқ ҳисоб-китоб қилинмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман ҳокимлигига 98 та тақдимнома киритилиб, ижроси назоратга олинди. Туман адлия бўлими томонидан қўрилган чоралар натижасида Чилонзор туманида ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларига жами 49 519 596 сўм тўлаб берилди.

Суннатилла РАҲМОНОВ,

Чилонзор туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Тадбиркор Президент Виртуал қабулхонасига нега мурожаат қилди?



ТОШКЕНТ шаҳридаги "OSIYO MK" МЧЖ раҳбари А.Азизов Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига мурожаат қилди. У Чилонзор туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан МЧЖга 11.496.206,0 сўм ягона солиқ тўлови нотўғри ҳисобланганлигини маълум қилган.

Аниқланишича, Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан МЧЖнинг 2018 йил учун топширган ягона солиқ тўлови ҳисоботлари Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан ташқи манба маълум-

отлари асосида камерал назоратдан ўтказилиб, ягона солиқ тўлови 11.496.206,0 сўм қўшимча ҳисобланган.

Тадбиркорнинг мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда Чилонзор туман адлия бўлими туман Давлат солиқ инспекциясида тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатиш ва солиқларни тўғри ҳисобланганлигини қайта ўрганиб чиқишни сўради.

Қўрилган чоралар натижасида тадбиркор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қўшимча равишда ўрганиб чиқилиб, туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан камерал назорат асосида қўшимча ҳисобланган 11.496.206,0 сўм миқдоридagi қарздорлик бекор қилинди ва тадбиркорнинг муаммоси ижобий ҳал этилди.

Ж.МАХСУДОВ,

Чилонзор туман адлия бўлими бошлиғи

БИЗ СИЗГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ!

ЖОРИЙ йилнинг апрель ойида Андижон шаҳар, Асака, Шахрихон, Кўргонтепа туманларида қабристонларга ер ажратиш, сақлаш, фойдаланиш, ёпиш ва ўзгартириш, шунингдек, фуқароларга пуллик хизмат кўрсатиш ҳамда дафн этиш жойларини ажратиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди. Ўрганиш давомида 400 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, қўлланилган таъсир чоралари натижасида 194 та қабристонга кадастр ҳужжати расмийлаштирилди. Атрофлари девор тўсиқлари билан ўралмаган қабристонларни девор билан ўраш ва бошқа ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан пул маблағлари ажратилди.

мингдан ортиқ ариза келиб тушган бўлса, шундан 30 мингдан ортиқ ариза бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари қабул қилинди. Натижада, фуқароларнинг ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойларига нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилди.

Бошқарма ва тизим идоралари томонидан туман (шаҳар) ларда фаолият олиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида инсон ҳуқуқларини қимоя қилишга оид амалга оширилган ишлар ўрганилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган ўрганиш жараёнида жами 112 мингга яқин қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Аксарият камчиликлар мурожаатлар билан ишлашда масъул ходимлар амалдаги қонун ҳужжатларини лозим даражада билмаслигининг оқибатида келиб чиққанлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги камчиликларни келгусида олдини олиш мақсадида Андижон вилоятида жами 880 та МФЙлардаги янги сайланган фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқий билимлари ва малакасини ошириш бўйича ўқув курс-

лари ташкил қилинди.

Биринчи гуруҳ ўқув курсларида 9 та туман (шаҳар)лардан жами 534 нафар, иккинчи гуруҳ ўқув курсларида эса 7 та туман (шаҳар)лардан 346 нафар МФЙ раислари иштирок этиб, ҳар бир йўналиш бўйича саватларга бўлинган ҳолда ўқув семинарлари ўтказилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси ташаббуси билан вилоятдаги 20 дан ортиқ давлат ташкилотлари ходимларига мурожаатлар билан ишлаш, меҳнат ва ижро интизоми бўйича семинар машғулоти ўтказилди.

Мамлакатимизда китобхонликни кенг тарғиб қилиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида китоб мутолааси маданиятини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида жорий йилнинг 18 апрель кунини вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан Андижон давлат университети биносида "Ҳуқуқий китобхонлик сайли" ташкил этилди.

Тадбирга 1700 нафардан ортиқ иштирокчи ташриф буюриб, Президентимиз томонидан ил-

гари сурилган китобхонлик акциясини қўллаб-қувватлаш ва уни Андижон вилоятида давом эттириш мақсадида акцияда иштирок этган ҳар бир давлат органи раҳбари ва ходимлари томонидан 2 мингдан ортиқ юридик адабиёт ҳамда 750 та бадий адабиёт ўзлари таълим олган 173 та умумтаълим мактабларига бепул тарқатилди.

Мазкур акция давомида Андижон вилояти Бобур номидаги Ахборот кутубхона маркази ҳамда 4 та олий таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказларига энг охириги ўзгартириш ва қўшимчалар билан чоп этилган юридик адабиётлар адлия бошқармаси томонидан топширилди.

Жорий йилнинг 3 май кунини Андижон вилоятининг Кўргонтепа туманида "Фуқаролар давлат органларига эмас, давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши керак!" широри остида "Адлия сайли" бўлиб ўтди.

Тадбирда асосий эътибор ниқош шартномасининг аҳамияти, мерос ҳамда васиятнома бўйича фуқароларга тушунчалар беришга қаратилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган фуқароларга Адлия вазирлигининг телеграмдаги "Ҳуқуқий ахборот" канали, вазирлик томонидан онлайн-маслаҳатчи хизмати орқали

аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида ташкил этилган ADVICE.UZ ҳуқуқий ахборот порталининг имкониятлари, кулайликлари ҳамда афзалликлари ҳақида маълумотлар берилди.

Сайл давомида вилоят адлия бошқармаси, туман (шаҳар) адлия бўлиmlари ходимлари, давлат нотариал идоралари нотариуслари, ФХД бўлиmlари, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан "Сизнинг муаммоингизга биз бефарқ эмасмиз", "Муаммоларга қонуний ечим" широрлари остида фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Албатта, ихлоқлар истиқболи йўлидаги ҳаракат дастуридан оғимшай олган интилимиз, ҳуқуқий базани тизимли ривожлантириш масаласини чуқур таҳлил этиб, зиммамиздаги вазибаларни изчил амалга оширишимиз лозим. Шундагина биз фуқароларнинг нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиши, улардан оқилона фойдаланиши, балки зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни ҳам чуқур ҳис қилишига эришамиз.

Ҳаётбек АКБАРОВ,

Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ТАЛАБА ТАЛҚИНИ

ҚОБИҚҚА ЎРАЛГАН ОДАМ

ЯҚИНДА бир суҳбатдошим жамиятда бўлаётган ҳолатларга ўзининг танқидий муносабатини билдириб, бугун ҳам ҳамма нарсани пул билан ҳал қилиш мумкинлигини айтиб ўтди. У келтирилган мисолларга қарамасдан, жамиятдаги бугунги ўзгаришлар ўзининг натижасини беришига ишонмаслигини билдирди.

Хўш, биздаги бундай ишонсизликка сабаб нима ёки ким? Аниқ айта олмаган, сабабчи ўзимиз ва биз томонимиздан амалга оширилаётган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар. Нега дейсизми?

Ҳар кун ишга борганимизда тезроқ вақт ўтса-ю, уйга қайтсам деймиз. Ишда илжори борича ўзимизни аяймиз, хўжақўрсинга ишимизни чиройли қилиб қўямиз, шу меҳнатини уйда қиламан, менга шундан фойда, деган ўй бўлади ичимизда. Дейлик, ИХХБ ходими қандабазлигимиз учун чора кўрмоқчи бўлса, тезгина танишимизнинг кучи ёки пулнинг сеҳрини кўрсатиб қўямиз. Бундан ташқари, ўқишга киришдан мақсадимиз билим олиш эмас, олийгоҳни бир амаллаб тугатиб, дипломни кўлга киритсак бўлди. Кўпчилигимиз ўқиш даврида фақат имтиҳонлар яқинлашгандагина, кўлимизга китоб оламиз. Яна бир гап. Бир-биримизга жамиятимиз ривожланмаётганини, бошқа давлатларда бўлаётган ўзгаришларни санаб берамиз ва тезгина айбдорни ҳам топамиз. Бизнинг наздимизда барчасига айбдор давлат. Лекин аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, ўзгаришларнинг амалга ошишига ўзимиз энг катта тўсиқ бўлиб хизмат қилаялмиш.

Биз учун айбни ўзимиздан қидиришдан кўра, бировга ағдарилш осон. Шундай қилиб ўзимизни алдаймиз.

Масалан, барчамиз автомобиль нархлари кўтарилганда “дод-вой” соламиз. Ваҳоланки, ўзимиздаги “левий” қилиб улаб олинган газ, электр энергияси ва шунга ўхшаш коммунал хизматлардан ўғринча фойдаланиб, яна мақтаниб қўйишни ҳам унутмаймиз. Солиқларни тўлашни атайлаб кечиктириб, гап мажбурий ундирувга тақалганда ҳаракатлана бошлаймиз.

Бу ҳолатларнинг барчасини санагудек бўлсак, бутун бошли рўйхат чиқади. Лекин шунда ҳам бўш келиш йўқ, ўзимиз учун турли баҳоналар тўғиймиз. Чунки бизга шундай яшаш қулай.

Энди ўйлаб кўринг, узун арқонни бир киши қанчалик куч билан силтамасин, арқонда ҳосил бўлган тўлқин тобора заифлашиб боради. Айнан шу тўлқинни кучайтириш, тўлқин арқоннинг улчариғача етиб бориши учун уни биргаликда тутиб силташимиз зарур. Шундагина натижага эришамиз ва шундагина ривожланамиз. Бунга сиз нима дейсиз, ўзимиз ясаб олган қобиллардан чиқиш вақти келмадимикан?

Жавохиржон ХАЙДАРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети II-курс талабаси

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг илм-фан намоёндалари, педагог ходимларга бераётган эътибори ва эътирофи инновацион тараққиётни тезлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Олим ва педагог ходимлар учун яратилаётган шароит ва имтиёзлар илм-фан ва таълим соҳасида янги уфқларни кашф этишга замин ҳозирламоқда десак, асло муболага бўлмайди.

Ўз устада тинимсиз ишлаган, ишлаётган ҳуқуқшунос олим юридик фанлар доктори, профессор Шуҳрат Рўзиназаров Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Ихтисослаштирилган кенгашида “Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми” мавзусида, Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқро ҳуқуқий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бугунги кунда Ш.Рўзиназаровнинг тадбиркорлик фа-

Эътироф ва эътибор ШИЖОАТГА УНДАЙДИ



олияти, жумладан, қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлари қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланилган ва амалиётда татбиқ этилмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларини унификация (бирхиллаштириш) қилиш ва тизимлаштиришга қаратилган таклифларнинг амалиётда қўлланилиши аграр соҳанинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ш.Рўзиназаров танлаган ихтисослик йўналиши бўйича хорижда ва мамлакатимизда танилган ҳуқуқшунос олим сифатида 100 дан ортиқ халқро ва республика миқосидаги конференция ва симпозиумларда, университет томонида ташкил этилган илмий-амалий анжуманларда ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари

иштирокида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Шунингдек, у 2002 йилда Чехияда “Бозор иқтисодиёти шароитида судларнинг роли” мавзусида ўтказилган ўқув машғулотида ҳамда 2004 йилда Канаданинг Оттава шаҳрида ўтказилган судьяларнинг III Халқро симпозиумида қатнашган ҳамда фаол иштироки учун махсус сертификат билан тақдирланган.

2018 йилда Бирлашган Араб Амириги (Дубай шаҳри) да IV Халқро замонавий илмий-тадқиқот методологияси номли илмий ва амалий конференциясида илмий мақоласи билан иштирок этганлиги учун диплом билан тақдирланди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил” ва “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил” эсдалик нишонлари билан тақдирланди. 1-судьялик

малака даражасига ва “2-даражали юрист” махсус унвони мартаба даражасига эга.

Ҳақиқий илм-фан фидойиси, миллий-ҳуқуқий кадрятлар ва замонавий ҳуқуқшуносликнинг етакчи вакили цивилист олим шу кунларда 60 ёшни қарши олди. Шу муносабат билан ҳамкасбимизни чин дилдан муборакбод этамиз.

Юридик фанлар доктори, профессор Ш.Рўзиназаровнинг Ватанимиз юридик фани ривожига қўшган салмоқли ҳиссасини эътироф этган ҳолда, унинг назарий ва соҳавий ҳуқуқни қўллаш амалиётини пухта эгаллаган олим сифатидаги ўрнига баҳо бериб, бу борадаги фаолияти улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Омонбой ОҚУЛОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Биз қилган хато жабрини авлодларимиз тортмасин



Мақоалалар очиги қутилган натижаларини бермади. Тўғри, мақола эълон қилингандан кейин тегишли мутаассадди ташкилотлар, ҳаттоки шу соҳадаги вазирликларда бу мавзу муҳожама қилиниб, қатъий чоралар кўрилди. Ҳатто, шу юзасидан қарорлар қабул қилинди. Буни инкор қилиб бўлмайди.

Бироқ вақт ўтиши билан қабул қилинган қарорлар ўз кучини йўқотди ёки назоратдан четда қолди, хуллас, ҳамманинг ёдидан чиқиб кетди.

Масалан, Миёнкўл ўлкасидаги Пахтачи, Нарпай, Иштихон, Хатирчи туман

ҚИРҚ йиллик журналистик фаолиятим давомида айнан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги кўплаб мақоаларим Республика ва вилоят газеталарида чоп этилди. Масалан, “Сувга туфлама увол бўлади”, “Дарахлар ҳам йиғлайди”, “Бир кўлтум сув”, “Сув омборини ким қутқаради?”, “Сувни заҳарлама, у сендан қасдини олади” каби сарлавҳалар остида туркум мақоаларим эълон қилинди.

аҳолиси Каттақўрғондаги сув омборидан чиқадиган сувдан ўз экинларини сугориб, ақсарият аҳоли ана шу сувдан истеъмол учун ҳам фойдаланади. Бойназар сув тозалаш иншооти ана шу сувни зарарланганлиги учун катта маблаг эвазига қурилган. Лекин ушбу иншоот бир муддат фаолият кўрсатиб, кўп йиллардан буён ўз холига ташлаб қўйилди. Ана шундай муҳим иншоотни таъмирлаш бугун ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаяпти. Ваҳоланки, уни тиклаш учун Жаҳон банки маблаг ҳам ажратганди. Бу ҳам қозғода қолиб, маблаг беиз йўқолди. Каттақўрғон ва Нарпай каналлари бўй-

идан ўнлаб ошхона, автомобилларини ювадиган “Мойка”лар ўз чиқиндиларини айнан шу сувга оқизиб, уни заҳарлаётганлиги аниқ далилди. Шунингдек, Нарпай ҳамда чиқиш канали бўйида истиқомат қилаётган аҳоли ўз ошхоналари, ҳаммомлари, ҳаттоки ҳоҳлатхоналаридан чиққан ахлатларни ҳам каналга оқизмоқда.

Бугун одамларимизнинг сувга бўлган муносабати шунчалар салбиймикан, дея ҳайрон қолсан, киши. Ҳалигача айримлар оқар сув иншоотларига ўлган ит, мушук, эшакларни оқизмоқда, билмадим, бу бедодлик қачонгача давом этаркан? Наҳотки, айрим юртдошларимиз сувни уюлдиан кўрқмай, тририклик манбаини ифлослантarmoқда?! Ахир дунёдаги айрим мамлакатларда бир кўлтум сув анқонинг уруги бўлса, нега биз тоза ичимлик сувининг қадрига етмағилмиз?! Бизнинг бу қилаётган бағритошлигимиз бир кун келиб ўзимизнинг бошимизга бало бўлади. Табиат ўз ўчини вақти келиб инсонлардан олади. Буни унут-маслигимиз керак. Бугун табиатни, зилол сувни асрасамсак, эртага кеч бўлади.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.08.2018 йилда 629193-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “NATURAL GIFTS” хусусий корхонаси 2019 йил 29 июлдаги қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (90) 348-10-47 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 305 700 454.

Шайхонтоҳур туман “Ягона дарча” маркази томонидан 29.06.2016 йилда 009337-09-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “СНАМАНОР EXCLUSIVE” маъсулияти чекланган жамият 2019 йил 7 июлдаги таъсисчиларининг қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (97) 767-74-25 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 304 098 570.

Шайхонтоҳур туман “Ягона дарча” маркази томонидан 18.08.2016 йилда 009441-09-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “HOFMANN

TRADE INVEST” хусусий корхонаси 2019 йил 17 июлдаги қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (97) 744-50-51 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 304 258 656.

Шайхонтоҳур туман “Ягона дарча” маркази томонидан 13.04.2016 йилда 009127-09-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “ASR FAROVON” маъсулияти чекланган жамият 2019 йил 3 июлдаги таъсисчиларининг қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (99) 800-70-15 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 303 898 827.

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 18.01.2019 йилда 670181-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Қасиога кўчаси, 14 А уй манзилда жойлашган “NESHTORGINVEST” маъсулияти чекланган жамият 2019 йил 25 апрелдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (98) 310-05-50 телефон рақами орқали қабул қилинади.
СТИР: 306 008 878.

Мирзо Улугбек туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 12.07.2017 йилда 531349-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Садиқова 2-тор кўчаси, 6-уй, 12-хондан манзилда жойлашган “DJALAL-OTA” хусусий корхонаси 2019 йил 2 июлдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (93) 513-79-24 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 304 982 460.

Мирзо Улугбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 01.02.2018 йилда 571539-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Бўрбозор 5-уй манзилда жойлашган “VIP SERVICE LIMO” маъсулияти чекланган жамият 2019 йил 24 июлдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (97) 713-36-62 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 305 264 159.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 14.06.2019 йилда 734011-сонли реестр тартиб рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Заргарлик кўчаси, 46А-уй манзилда давлат рўйхатдан ўтган “MEGA SHOP-TRADE” хусусий корхонаси (СТИР: 306 506 986) таъсисчиларининг 2019 йил 10 июлдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 424-89-89.

Мирзо Улугбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 29.11.2018 йилда 653279-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ-1 6-уй, 10-хондан манзилда

жойлашган “MIR-KA” маъсулияти чекланган жамият 2019 йил 1 майдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (97) 443-51-21 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 305 879 341.

Мирзо Улугбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 10.07.2019 йилда 742114-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ-4 41-уй, 21-хондан манзилда жойлашган “FRESH NUR FOOD” оилавий корхонаси 2019 йил 23 июлдаги 2-сонли баённамасига асосан тугатилди.
Давлолар (97) 249-44-44 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 306 568 768.

Юнусобод тумани, Орифова кўчаси, 4-уй энгил турдаги қишлоқ кадристр хўжалик йўрталлиги сабабни Бекор қилинади.
Мурожаат учун телефон: (99) 844-34-81.

ИНСОН ҚОНУН
2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.insonuz.uz

Бош муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ


ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқуллов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Мирхалилович
Тоҳиев Фураат Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Ончилов

Таҳририятга келган
қўлхатлар тақрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Навбатчи
Мадина Ҳамдамова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририятни компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичида, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нарийёт матбаа ижодий уюнда чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 10164
Буюртма — V-3653
Тошпириш вақти — 19-00
Тошпиришди — 00-00
МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09
Баҳоси қилинган нархда
1 2 3 4 5

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Американинг ўтмишдаги улуғ президенти Авраам Линкольн ўғлининг муаллимига шундай мактуб йўллаган экан...



Унга ўргат...

Биламан, у жами инсонларнинг бир сўзли ва одил бўлавермаслигини англаши керак. Ўргат: ҳар пасткаш-олчоққа қарши бир мард, ҳар худбин нағмачига қарши аталган йўлбошчи бордир. Вақт кўп ҳали, ҳар душманга яраша содиқ дўст тайинлигини, пешона тери билан топилган бир доллар машаққатсиз топилган беш доллардан қадрлироқ эканлигини англа. Меҳнатдан роҳат туйишни, ҳасаддан узоқ туришни ўргат. Бажара олсанг, унсиз кулгуларнинг сирини, зўравонларнинг эса кўринишидангина ғолиб бўлишлари ҳақида сабоқ бер.

Унга китобларнинг мўъжизаларини, кўкдаги қушларнинг ва ям-яшил нишаблардаги чечакларнинг зоҳирий асорини-да ўргат. Мактабда янглишишнинг ҳаётда янглишишдан устун эканлигини, яна ҳар ким унга хато эканлигини жуфтлаганда ҳам ўз фикрларига содиқ қолиш зарурлигини тайинла. Дилкашга дилкаш, зиқнага қарши бетараф турсин. Ҳар ким тўп бўлиб бир томонга кетаркан, шу тўпнинг ортидан бормаслигини буюр. Жами инсонларни тинглашни, тинглаганда ҳам эшитганларини ҳақиқат элагидан ўтказиб кўришни ва фақат яхшиларинигина танлаши кераклигини тушунтир. Ҳа, яна тушунликда қандай қулиш кераклигини, кўзёшларда уят-андиша бўлмаслигини ўргат. Қуввати ва тажрибасини энг қиммат нарх таклиф этганга сотиш зарурлигини, аммо ҳеч қачон қалби ва руҳига ёрлиқ қўймаслиги лозимлигини аңлат. Унга мулоимлик кўрсат. Сабрсизлик қадар жасорати, жасорати қадар сабри бўлсин. Ҳар вақт ўзига нисбатан кучли ишонч туйиши зарурлигини ўргат. Ҳа, шундангина бошқаларга ҳам шундай ишонч туйғусини ҳис этади...

Бу улуғ истак. Қўлингдан келгунича тириш, муаллим. Қара, у нақадар кичик ва маъсум инсон. Ўғлим...



Пауло Коэльо

ЛЕОНАРДО ВА “СЎНГГИ ОҚШОМ ЕМАГИ”

ЛЕОНАРДО да Винчи “Сўнги оқшом емаги” номли суратни чизишни бошлаганида оғир мушкулот билан юзма-юз келди. Эзуликни Исонинг, ёвузликни эса унинг орқадоши ва сўнги оқшом емагида унга хиёнат қилган Яхуданинг кўринишига жо этишга тиришар эди.

Суратни чала қолдириб, бу иккисига ўхшаш кишиларни излашга тушди. Кунларнинг бирида рассом хор томошасини кузатаркан, хордагилардан бирининг Исо сийратига менгашини фарқ этди ва ундан ишляяжак расмига туриб беришини сўради...

Рассом ҳисобсиз эскиз ва машқлар чизди. Орадан уч йил ўтиб, “Сўнги оқшом емаги” яримлади. Фақат Леонардо да Винчи ҳануз Яхудага менгзаган туркли кимсани топа олмасди. Етмаганига черков кардинали суратни тезроқ битиришини сўраб шошилтира бошлади. Кўп ахтаргач, да Винчи эрта қариган ёш бир дайдини топди. Жулдур кийимли бу дайди хурсандликдан ўзида йўқ

ағанади. Леонардо шотирларига бу кимсани куч билан бўлса-да, черковга элтишларини буюрди. Чунки ортик эскиз чизишга вақти қолмаганди. Шотирлар дайдини рассом устaxonасига элтдилар. Дайди бошига тушган кўргуликларни англамас, рассом эса унинг турқдаги ишончсизлик, гуноҳ ва худбинликини суратга жо этарди. Ниҳоят, Леонардо да Винчи ишини битирганда қийинчиликдан қўтилган дайди кўзларини олазарақ очди ва мўъжизавий суратни кўрди. Шоққин ва ҳазин сас-ла шундай деди:

— Мен бу расмни аввалдан кўрган эдим.

— Қачон? — сўради Леонардо да Винчи ишонқирамай.

— Уч йил аввал, — деди дайди.

— Ишимни йўқотмасдан бурунроқ. У пайтлар бир хорда кўшиқ куйлардим. Кўп умидларим бор эди. Бир рассом менга Исонинг суратини чизишда туриб беришимни сўраганди... Эҳ...

• Ислом Ибодулла таржималари.

РЕКЛАМА




Хурматли тадбиркорлар! “АСАКА” БАНК


бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун куйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар таклиф этади:



Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққиёт Банки



Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида



Халқаро Тараққиёт Агентлиги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида



Туркия Республикаси Эксимбанки



КФВ Ипекс Банк (Германия)



Ландесбанк А.Г. (Германия)



Коммерцбанк А.Г. (Германия)



Корея Республикаси Эксимбанки

Маълумот учун телефонлар:
(78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24,
120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.